# “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

## барча юртдошларимизни Янги йил байрами билан самимий муборакбод этади.

**Компания 2009 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга бутун йил давомида обуна давом этишини маълум қилади.**

**Обуна “Матбуот тарқатувчи” АК ва “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.**




Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

| | |
|---|---|
| ҚР Нукус (3612) 22-88-68 | Самарқанд (3662) 34-22-53 |
| Андижон (3742) 22-29-89 | Сирдарё (3672) 25-47-70 |
| Бухоро (3652) 25-47-49 | Сурхондарё (3762) 27-49-03 |
| Жиззах (3722) 22-40-01 | Тошкент вил. (3712) 233-13-04 |
| Қашқадарё (3752) 25-40-27 | Фарғона (3732) 24-29-22 |
| Навоий (4362) 23-26-86 | Хоразм (3622) 26-63-75 |
| Наманган (3692) 26-29-80 | Компания бўлими 234-85-99 |

# ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ, ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ДОИМИЙ ЙЎЛДОШИМИЗ БЎЛСИН!

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

# "Асл тулпор экан ўзбекнинг оти"

Пардабой ТОЖИБОЕВ

**Болалиги Ғаллаорол туманининг Заргар қишлоғида қўй боқиб ўтган, отини миниб мол ҳайдаган бахшимиз Фозил Йўлдош шу сўзларни ёзар экан, кўнглидан қандай фикрлар ўтган экан.**



"Насими субҳ"да ёллари денгиз тўлқинларидай жўш урадиган, чавандознинг дилидаги гапларни илғайдиган, туёғи тошдай қаттиқ, аммо соҳибига пардай юмшоқ бу жонивор тарихимиз бағрига сингиб кетганини бизга маълумотлар эслатиб туради. Улуғ соҳибқирон бобомиз Амир Темурга Ҳирот ҳукмдори "Кўк ўғлон" арғумоғини совға этганини Бобурийлар сулоласининг сўнгги вакили Баҳодиршоҳ саройидан топилган сурат тарихимиз от билан боғлиқ эканини яна бир бор исботлади. Улуғ амир бу тулпорни миниб, жаҳонда адолат ўрнатганини эсласак, жониворларга бўлган меҳримиз янада ошади. Мен ҳам қўлимга қалам олибманки, ўзбек тулпорларининг тақдири ҳақида ёзгим келаверади.

Эсимда ўтган асрнинг 90-йиллари эди. "Гулистон" журнали бош муҳаррири ўринбосари Оқилжон Ҳусанов менга маслаҳат берди: - От ҳақида ёзинг, қўлингиздан келади,-деди. Шундан кейин йилқичилигимиз тарихи билан шуғуллана бошладим. Италиялик олим Франко Кардини Европага отни Ўрта Осиёдан, яъни бизнинг ҳудудларимизда яшаган аждодларимиздан олиб кетганлиги ҳақидаги маълумотлар кўз олдимдан кетмай қолди. Айниқса, мана-ман деган рицарлар Фарғонада тарбияланган тулпорларни миниб ўзларича қаҳрамонлик саҳифаларини очганликларига тарих гувоҳ. Бекорга Алпомиш, Гўрўғли достонлари юзага келмаганини шу табаррук битиклар эслатиб тургандай.....

Мустақиллик шамоллари эсиб, от билан боғлиқ бўлган тадбирлар яна кун тартибига қўйилганлиги бу соҳанинг ривожланишига катта имкониятлар яратиб берди. Отчиликни ривожлантиришга мўътабар ташкилотлар раҳнамолик қилиб, хонадонларда отларнинг кишнаши, қулунларнинг овози эшитила бошлади. Кўпкари берилиб, тўйларга минглаб отлар йиғиладиган бўлди. Суннат тўйларига "Той безаб" келадиган тоғалар, жиянлар топилиб қолди. Ойнаи жаҳон, радиолар орқали "Той бола" қўшиғи тез-тез янграйдиган бўлди.

Шу сўзларни ёзаяпману, беихтиёр Жиззах вилояти ҳудудларида бу борада амалга оширилаётган ишларни кўриб қувонаман. Айниқса Жиззах шаҳрининг кунчиқар томонида қурилган отчопар республикамизда йилқичиликни ривожлантиришга жуда катта имкониятлар яратиб бераяпти. 50 гектар майдонни эгаллаган, 5 минг кишини ўриндиқлар билан таъминлайдиган, от билан боғлиқ мусобақалар ўтказишга шароити бор бу отчопарда ўтказилаётган тадбирларнинг шуҳрати нафақат республикамиз, балки қўшни давлатларга ҳам ёйилмоқда. Ҳосил тўйлари, улоқ-кўпкари қиш ойларида деярли ҳар дам олиш кунлари ўтказилаяпти. Уларда минглаб чавандозлар иштирок этишаётир. Бундан ташқари отларни юқорига сакратиш, қиз қувмоқ, пойга каби ўнлаб мусобақалар ташкил этилмоқда.

2002 йилда вилоят ҳокимлигининг қарори билан "Вилоят улоқ ва от спорти федерацияси" ташкил этилиши отчиликни, у билан боғлиқ бўлган маданий тадбирларни ўтказишга катта истиқболлар очиб берди.

...Отчопарга кираверишингизда тулпорнинг рамзий ҳайкалига кўзингиз тушади. Тулпор кўкка интиляпти, у сакраш олдидан бўладиган ҳолатидай олдинги оёқларини буккан. Бутун кучини орқа оёқларига тўплаб, кўкка учмоқчи бўлаётгандай... Гўё Муҳаммад пайғамбаримиз (САВ) афсонавий Буроқ оти қанот чиқараётгандай... Беихтиёр Ҳадиси шарифдаги сўзлар ёдингизга келади: "Тоза зотли от турган ҳовлига ёвуз руҳлар кирмагай. Ҳар тун Оллоҳ фаришталари кўкдан тушиб, унинг пешонасидан ўпгай ва эгасига яратгандан марҳаматлар тилагай..."

Муқаддас китобларимизда зикр этилган тоза зотли от сўзларига эътибор беришингизни истардим. Ҳақиқатни инкор этмаймиз, от дейишга истиҳола қилинадиган тўрт оёқли жониворлар ҳақида фикр юритаётган бўлсак, мақсаддан тамоман узоқлашган бўлардик. Биз бу ерда тоза зотли, наслли отлар ҳақида айтмоқчимиз. Биз наслли от билан шуғулланаётган кишилар ҳақида фикр юритамиз. Уларнинг ташвишлари, дил сўзлари, армонлари, эзгу ниятлари ҳақида ёзгимиз келади. Устоз Оқилжон Ҳусановнинг ҳам сўзлари шу хусусда эди.

Шуни таъкидлаш лозимки, республикамиз хўжаликларига қорабайир зотичалик чуқур кириб борган йилқини топиш қийин. Бу от халқимиз ҳаётига шунчалар ошуфтаки, тоғли ҳудудлардаги айрим шахсий хўжаликларнинг уюри ҳам бўлганлиги фикримизни тасдиқлайди. Бахмал туманидаги "Музбулоқ" қишлоғида яшовчи Султон ака Эсонов шундай эслайди: "Бобом Бойўрознинг йилқи уюри бўлган. Улар сув ичишга тушганда ариқнинг суви қуриб қолган. Шунчалик кўп эканда..." Ойқор тоғ этакларида умргузаронлик қилаётган оқсоқолнинг айтишига қараганда қишлоқдаги ҳамма ишлар от билан бажарилган. Йилқилар урчигандан урчиган. Лекин ўтган асрнинг 60-йилларидаги отчиликка бўлган муносабат не-не отларнинг "жувонмарг" бўлишига сабаб бўлган. Дарвоқе, биз қорабайир зотли арғумоқлар ҳақида гапираётган эдик. Мутахассисларнинг кафолат беришича Ўрта Осиё йилқилари мўғул, туркман, араб отлари билан чатиштиришдан олинган насл экан. Шунинг учун ҳам бу отларда уларнинг барча хислатлари тез югириши, оғир юк кўтариши, ҳар қандай шароитларга мослашиб кетаверишини кўрасиз. Кўпкариларда ҳам асосан қорабайир отлари чоптирилади. Бу отларнинг халқ хўжалигида тутган ўрнини ҳисобга олиб 1929 йилда Жиззах туманидаги Навоий номли хўжаликда наслли отчилик фермаси ташкил этилиб, қорабайир, инглиз қорабайир йилқилари парваришланиб, маҳсулот олина бошлаган. Хўжалик отбоқарлари етиштирган наслли отлар собиқ иттифоқ, республикамиз кўргазмаларида биринчи ўринни эгаллаган. Уларнинг 1955 йилда етиштирган айғири Келмамат бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасида насл чемпиони деган ном олган.

...Шу гапларни эслаб айни кунларда 93 баҳорни қаршилаган, фахрий отбоқар Талғат Сабдюшевнинг икки қоши бир-бирига туташгандай, юзларидаги ажинлар кўпайгандай бўлади. Тақдир тақозоси билан 30 - йилларда Оренбургдан республикамизга келиб қолган отахоннинг бутун умри отчилик билан боғланган. У Қорақалпоғистоннинг олис яйловларида Самарқанд вилоятининг отхоналарида, Жиззах вилоятининг хўжаликларида наслчилик ишларини олиб борди. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугаллаган мутахассис оддий наслчилик ишларини ҳеч қандай лавозимга алмашмади. Ўзи бошлаган хайрли иш отларнинг наслини яхшилаш борасида эришилаётган ютуқлар унинг учун ҳар нарсадан афзал эди. У ўтган асрнинг 46 йилидан кейин туғилган қорабайир зотли отларни номма-ном билади. Бу наслнинг отаси қайси, онаси қайси, лақаби нима, қандай пойгаларда қатнашгани ёд бўлиб кетган. Ундаги хотира кучини кўриб, қойил қоласан киши. Айниқса Келмамат лақабли отнинг лақаби, ундан Карим, Сардор, Сангзор лақабли насл олинганини қайд дафтарини очмасдан айтиб берди. Бу меҳрнинг, ўз ишига бўлган садоқатнинг намунаси эмасми? Талғат оға меҳнат фаолияти давомида наслчилик ишлари бўйича қандай тадбир қўллаган бўлса, ҳаммасини қайд дафтарига ёзиб қўйган. Дафтарда юзлаб отларнинг биографияси ғоят чиройли қилиб ёзиб қўйилган. Ўйлаб қолдим, ҳозирда ҳам наслчилик ишларини олиб борадиган мутахассислар Талғат оғадан тажриба ўрганса яхши бўлмасмикан? Унинг ишларини шу тартибда давом эттира оладиган "азамат" бормикан? Ишга бўлган бу садоқатни мерос қилиб оладиган ўринбосарлар қани?! 93 ёшли отахон гапларимни эшитиб ҳаяжонланиб кетди.

- Насл дегани бу темир дафтар дегани, олинадиган наслнинг биографиясининг инъикоси дегани, унинг нима ейиши, ичиши, аждодларининг хислатлари, хусусиятлари, уни сақлаб қолса наслга фойдаси бўладими? Ёки бошқа мақсадларга ишлатса бўладими? Бундай саволларга жавоб топиш учун наслни саралаш, танлаш, уларни керакли озуқалар билан боқиш катта роль ўйнайди. Айғирнинг, биянинг, қулуннинг рационидаги озуқаларни топиб бериш керак...

Талғат оға Сабдюшевнинг сўзларини эшитиб, қорабайир зотли отларнинг қандай қилиб муваффақиятларга эришганининг калитини топгандай бўлдим. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, деб бекорга айтишмас экан. Биз кўриб турган отларнинг муваффақиятлари замирида қанчадан-қанча ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар, жумбоқлар бор экан! Нега бу борада кам гапириляпти. Биз авлодларимизга тоза наслли отларни армуғон эта олармиканмиз? Мен от минган чавандозни кўрсам мана шу мавзулар миямни банд этадиган бўлиб қолди. Республика чорвачилик хўжаликларига мутахассислар етказиб берадиган олий ўқув юртларида йилқичилик бўлими ташкил этиш пайти келмадимикан?! Бозорларда от анжомлари сотилса яхши бўларди. Ҳунармандларимиз отлар учун эгар, юган, узанги, ултон, бигиз тайёрлаб дўконларга чиқарсалар айни муддао эди.

Талғат оға билан от наслчилиги ҳақида қизғин мунозара қилар эканман, кўнглимнинг бир четида мўралаб турган ёрқин нур юрагимни қувонтирарди. Мустақиллигимиз туфайли берилган эркинлик от ишқибозларига халқимизнинг табиий танланиш бўйича бой тажрибалари ҳали ҳам қўлланилаётган эди. Дафъатан бунда Бахмал туманидаги Сарой қишлоғида яшовчи Ҳайитбой ака Яхшибоев хаёлимга келди. Бир пайтлар номдор чавандоз бўлган Ҳайитбой ака энди кўпкарида чопадиган отларни тайёрлаб беришга киришибди. Унинг усули оддий-кўпкарида "ўзи"ни кўрсатган отлардан насл олиш. Шунинг учун Ҳайитбой ака бирорта кўпкаридан қолмайди. Боради, отларни кузатади, ғолиб отнинг эгаси билан суҳбатлашади, режаларини айтади. Унинг бу хислати отбоқарларга хуш келган. У чавандозларнинг отини боқади, миниб совутади, кўпкарида чопадиган қилиб тарбиялайди. Эвазига.... тоза наслли, чопқир кўпкарида соврин олган отдан насл олади.

- Баъзи йиллари ўн беш талаб қулун оламан,- дейди Ҳайитбой ака. Бизларга айғир танлашда уларнинг шижоатини, жинсий фаолиятини, тана тузилишини, аждодларнинг ирсий хусусиятларини ҳисобга оламиз. Олинган қулунни парвариш қилиш йўлларини тушинтириб бераман.

Халқимизнинг орттирган бой тажрибалари асосида етиштирилган от чопган Абдумутал, Холбўта, Аҳрор сингари полвонларнинг номи чиқди.

Ҳа, дарвоқе чавандознинг номини от чиқаради, деган гап бор. Кейинги йилларда вилоятда Шертой полвоннинг олдига тушадигани бўлмаяпти. Кези келганда унинг минадиган отини тайёрлаб берадиган отбоқарнинг ҳам хизматини айтиб ўтиш керак. Бугун бутун Сангзор воҳасини қидирсангиз Ихтиёр аканинг отларидай арғумоқни тополмайсиз. Жиззах тумани Сарайлик маҳалласида яшовчи Ихтиёр ака ва унинг шогирдлари чавандозларга от тайёрлаб бериш соҳасида ном чиқарган. Уларга бу касб бобомерос. Унинг сулоласи ҳамиша наслдор отларни парвариш қилиш бўйича фаолият кўрсатади. Ўтган асрнинг 50 йилларида улар тарбиялаган "Саман", "Қорабайир" наслли отлари республикада машҳур эди. Бу отлар фақат чавандоз олган улоқни маррага олиб келиш эмас, томошабинларга таъзим қилиш, тўй эгасига миннатдорчилик билдириш каби ҳолатларни қойиллатиб қўяди. Бу отларни минган Шаймахон полвон, Кўбай полвон, Бўлис полвонлар халқимизнинг кўпкаридаги санъатини бутун Ўрта Осиёга намойиш қилдилар. Уларнинг маҳорати туфайли отларимизнинг шуҳрати тарқалди. Қўшни республикалардан келиб от харид қилаётганлар сафи кенгайди. Талғат оға Сабдюшевнинг яратган наслли отларининг авлодларини чавандозлар кўз қорачиғидек асрайдилар. Унинг авлодидан урчитган биясини парвариш қилаётган отбоқарнинг ҳолатини кўрган эдим. Еру-кўкка ишонмайди, денг! Ҳомиладорлик даври - ўн бир ой ичида биясига қилган меҳрибонлигини кўриб, нега отлар эгасига меҳрибон бўлар экан деган саволимга жавоб топгандай бўлдим. Жуда ҳам эҳтиёт қилади. Хона илиқ, ем-хашак етарли, умуман ишлатмайди. Шовқин-сурон қилдирмайди. Бу қилинган тарбия албатта ўз натижасини беради. Унинг олган қулуни қулоқларини чимириб кишнайди, онасининг сутига тўйиб ўйноқлайди, эгасига эркаланиб туёғини ерга уриб-уриб қўяди. Талғат оғанинг тавсияси билан бия сотиб олиб зоти яхшиланган айғирга урчитаётган от ишқибозлари жуда кўп. Вилоятдаги Жиззах, Зомин, Ғаллаорол, Бахмал ва Фориш туманларида отчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Айниқса Жиззах туманидаги "Равот", Навоий, Улуғбек, "Олтинсой", "Ўзбекистон", Бобур номли хўжаликларда бошланган хайрли ишлар ўз ечимини топмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилдилар. Қишлоқ туйғусининг ажралмас қисми бўлган отчилик билан боғлиқ масалалар ҳам назардан четда қолмаслиги, аксинча янада ривожланиши шубҳасиз.

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ" АВИАКОМПАНИЯСИ "НУКУС АЭРОПОРТИ" ДИРЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ ва ЎзМТДП НУКУС ШАҲАР КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ

Бутун Ўзбекистон халқини Янги 2009 йил билан самимий қутлаймиз.
Янги йилда азиз юртдошларимизга энг азиз тилакларни билдириб қоламиз.
Янги йилда барчанинг кўнглидаги орзу-умидлари ушалсин.

# ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ

**“QIZILQUMSEMENT”**

TÜV CERT EN ISO 9001

Certificate № 0410020050368

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган цемент маҳсулотининг қарийб 50 фоизини етказиб бераётган, республикамизнинг энг гигант корхоналаридан бири «Қизилқумцемент» ОАЖ жамоаси юртимизда яшаётган ҳар бир фуқарони кириб келаётган Янги 2009 йил — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» билан самимий ва қизғин муборакбод этади.

ХАЛҚИМИЗНИНГ РИЗҚ-НАСИБАСИ БУТУН БЎЛСИН, ДАСТУРХОНИ НОНГА ТЎЛСИН. ЯНГИ ЙИЛ ЮРТИМИЗГА ҚУТ-БАРАКА, ХОНАДОНЛАРИМИЗГА ТЎКИНЛИК, БАХТ-САОДАТ ОЛИБ КЕЛСИН.

Корхона манзили: Навоий шаҳри “Қизилқумцемент” ОАЖ.
Тел: (8-436) 223-42-71, 224-96-74 Факс: (8-436) 223-05-66, 223-96-75, 223-91-21, коммутатор: 223-64-90 ҳ/р 20208000900356236001, МФО: 00196, ИНН: 200002878 ОКОНХ: 16112. E-mail: sementaj@rol.uz.

## «ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» ИШОНЧЛИ ҲАМКОР!

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ ХАЛҚ БАНКИ

**Мамлакатимизнинг барча фуқароларини яқинлашиб келаётган Янги 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” билан самимий муборакбод этади!**

**Янги йилда Сиз азизларга мустаҳкам соғлик, оилангизга бахт-саодат, хонадонингизга шоду-хуррамлик, дастурхонингизга қут-барака тилаган ҳолда “ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ” истеъмол кредитидан фойдаланишни ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**БУНДА СИЗ**

- миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш;
- уй-жой (ҳовли) квартираларни таъмирлаш;
- даволаниш ва дори-дармонлар сотиб олиш;
- ўз оила эҳтиёжларингизни қондириш мақсадида чорва моллари, парранда ва улар учун емхашак харид қилиш;
- республикамизда ишлаб чиқарилаётган уй-рўзғор буюмларини харид қилиш каби қатор имконият ва қулайликларга эга бўласиз.

**ОИЛАНГИЗ БАНКИ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ.**

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ДЕНОВ ТУМАНИДАГИ “ЛОЧИН-Д” ОАЖ ЖАМОАСИ

**ҳамюртларимизни Янги 2009 йил билан муборакбод этади.**

**Янги йилда ҳам мустақил Ўзбекистонимизда тинчлик-омонлик бўлсин, эзгу-ниятларимиз амалга ошсин, хонадонимиз янада обод ва фаровон бўлсин**



**ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!**

## ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

### ЎзМТДП ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Ватандошларимизни, партиямиз аъзолари ва хайрихоҳларини кириб келаётган Янги йил билан самимий қутлайди.
Жондан азиз Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, юксак тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларга зафарлар тилайди.

**ҚАЛБЛАРИМИЗ ҚУВОНЧУ ШОДЛИККА, ХОНАДОНЛАРИМИЗ ҚУТ-БАРАКАГА ТЎЛСИН!**



### ЎзМТДП НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ



Янги - "Қишлоқ ва тараққиёти ва фаровонлиги йили"да барча эзгу мақсадларимиз амалга ошсин.

**ВАТАНИМИЗ ТИНЧ, ХАЛҚИМИЗ ОМОН, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН БЎЛСИН!**

### ЎзМТДП СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

**Халқимизни кириб келаётган Янги 2009 йил билан самимий муборакбод этади.**

Янги йил ҳар бирингиз учун эзгу ниятлар амалга ошадиган, оилаларингиз моддий ва маънавий мустаҳкамланадиган, орзуларингиз ушаладиган йил бўлсин!

## БАЙРАМ ТИЛАКЛАРИ



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚЎНҒИРОТ НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ КОЛЛЕЖИ ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ТАЛАБАЛАРИ ЖАМОАСИ ва ЎзМТДП ҚЎНҒИРОТ ТУМАН КЕНГАШИ**

**Юртдошларимизни Янги йил билан муборакбод этади.**

**Янги 2009 йил барчага омад, бахт-саодат олиб келсин.**

**Ватанимиз тинчлиги барқарор бўлсин!**




ЯКУН

# Йил сарҳисоби

Дилноза ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

**Миллий матбуот марказида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан йил якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган йўналишларнинг ижросини таъминлаш учун масъул бўлган ташкилот ва вазирликлар вакиллари, "Камолот" ЁИҲ мутасаддилари ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.**

Айтиш керакки мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларнинг таълим олиши, иқтидор ва қобилиятларини тўғри йўналтириб бориш борасида салмоқли ишлар қилинди. 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди. Ёшлар ташаббуслари уларнинг таклиф ва ғояларини амалга ошириш имкониятини яратиб берди. Хусусан, ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор Қарор ва Фармонлари қабул қилинганини айтиб ўтиш жоиз.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Давлат дастури ижроси борасида ўтган йилнинг 1 декабрига қадар сарфланган харажатлар миқдори 1 триллион 265 млрд. 940 млн. сўм (102,2 фоиз)ни ташкил этиб, унинг 1 триллион 121 млрд. 910 млн. сўми бюджет ва бошқарувчилар, 144 млрд. 30 млн. сўми эса ҳомийлик маблағлари ҳисобидан иборат бўлди.

Дастурга мувофиқ ёшларга замонавий таълим-тарбия бериш, уларни иш билан таъминлаш, оммавий спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш ишлари тубдан кучайтирилди. Жумладан, таълим муассасаларини замон талабларига мослаштириш ишлари давом эттирилиб, 1875 та умумтаълим мактабида 364 млрд. сўмлик, 164 та касб-ҳунар коллежида 321 млрд. 636 млн. сўмлик, 20 та академик лицейда 48 млрд. 460 млн. сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари якунига етказилди. Умумтаълим мактабларида 216 минг 578 та, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида эса 120 мингга яқин янги ўқув ўринлари барпо этилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ 562,3 мингта янги иш жойлари ташкил этилиб, унинг 379,1 мингтаси кичик шаҳар ва қишлоқларда яратилган бўлиб, 85 мингтаси корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари асосида касаначилик иш ўринларини ташкил этади. Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини юксалтириш ҳамда спортни ривожлантириш мақсадида 186 та спорт иншоотларида 26,9 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларининг олиб борилгани 2,9 млн. нафарга яқин ёшларнинг спорт билан шуғулланишига замин ҳозирлади.

Шунингдек, ёш оилаларнинг маиший турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида 31,2 млрд. сўмлик истеъмол, 2 минг 300 та оилага уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олишлари учун 26,3 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган.

Андижон шаҳрида "Ёшлар маркази"нинг ва Жиззах шаҳрида "Ёшлар шаҳарчаси"нинг барпо этилиши ҳам давлатимиз томонидан амалга оширилаётган бу каби хайрли ишлар кўламини янада кенгайтирди. Бундай амалий ишлар мамлакатимизнинг чекка-чекка ҳудудларини ҳам қамраб олаяпти.

Юқорида қайд этилган барча ижобий саъй-ҳаракатлар нафақат кириб келаётган 2009 йилда, балки келгуси йилларда ҳам уларни тизимли равишда амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратади.

Матбуот анжуманида йил давомида бажарилган ишлар яна бир карра сарҳисоб қилинди. Эришилган ютуқлар таҳлил қилиниб, журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилди.

РАНГИН ДУНЁ

# Янги йил қаерда қандай нишонланади?

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хитойча Янги йил — Чунь цзе (Баҳор байрами) хитойликлар учун ниҳоятда қадрли бўлиб, у тахминан икки минг йилдан буён йилнинг биринчи ойида янги ой чиққан чоғи (12 январь ва 19 февраль оралиғида) нишонлаб келинади. Григорий календари йўлга қўйилганидан сўнг, хитойликлар Янги йил байрамини ғарбона Янги йилдан ўзгача бўлиши учун "Баҳор байрами" деб атай бошлашган.

У Чунь цзе — "Нянь" (Нянь — йил, маъносини билдиради) деб ҳам номланади. Афсоналарда айтилишича, қадимги Хитойда "Нянь" лақабли икки шохли, қўрқинчли маҳлуқ яшаган. Йил бўйи денгизда ҳаёт кечириб фақат Янги йил арафасидагина қуруқликка чиққан маҳлуқ қора мол ва одамларга ҳамла қилган. Шунинг учун маҳаллий халқ ундан беркиниб, қишлоқларни тарк этган ва тоғларга чиқиб жон сақлашган. Бир куни Янги йил арафасида "Тао хуа" ("Шафтоли гули") қишлоқ аҳолиси ҳам тоққа қочиб кетади. Шунда ортда қолиб кетаётган кампир қишлоққа бир мўйсафид кириб келаётганини кўриб қолади. Кампир мўйсафидга бу ердан тезда кетишини тушунтирса-да, бегона киши қишлоқда қолишини айтади. У: "Мени бир кеча уйингда қолдирсанг, мен қишлоғингдан маҳлуқни ҳайдаб юбораман", дейди. Ярим кечаси Нянь қишлоққа келади ва кампирнинг уйида қизил чироқ ва олов ёнаётганини кўриб ўша томон юради. Шунда ёнаётган бамбукнинг ёрилган овози худди мушак отилишига ўхшаб чиқади ва маҳлуқ ундан қўрқиб, жуфтакни ростлаб қолади. Айтишларича, маҳлуқ қизил ранг, олов ва шовқиндан қўрққан. Эртасига қишлоқ аҳли уйларига қайтишгач бўлган воқеани эшитишади ва маҳлуқдан қутилганига хурсанд бўлиб, бир-бирини табриклаб кетишади. Шу баҳона Хитойда ҳар йили Янги йилни қизил рангли либослар кийган ҳолда гулхан атрофида мушаклар отиб нишонлаш анъана тусига кирган.

Японияликлар қорбобони "Сегацу-сан" яъни "Янги йил жаноблари" деб аташади. Байрам кечаси дастурхон атрофида ҳамма оила аъзолари янги кийимда нонушта қилишга йиғилишади. Негаки, янги кийим Янги йилда бахт ва омад келтираркан. Янги йил кечаси япониялик болалар ёстиқлари тагига елканли кема суратини қўйиб ухлашади. Афсоналарга кўра, етти бахтнинг ҳомийси бўлмиш еттита сеҳргар елканли кемада келиб болаларга совға бериб кетаркан. Японияликларнинг Янги йил буюмлари ичида энг машҳури "хаскаш" бўлиб, уни "бахт келтирувчи тумор" сифатида қадрлашади. Ушбу туморча бамбук дарахтидан (10 см.дан 1,5 метргача бўлади) ясалади. Арча ўрнида эса оила аъзоларининг бахти бутун бўлиши учун эшик тагига учта бамбук чўпидан рамзий дарвоза қуриб унга шафтоли ва олхўри новдасини боғлаб қўйишади. Айтишларича, бамбук — садоқат, шафтоли ва олхўри — узоқ умр ва қувонч рамзи экан.

Японияга янги йил 108 та қўнғироқ чалинганидан сўнггина кириб келади. Аввалига қўнғироқлар мато билан ўралганлиги боис секин чалинади, тунги 12.00 да эса қўнғироқ баланд овозда жаранглайди. Ривоятларга кўра, ҳар бир қўнғироқ жаранги инсонда бўладиган нуқсон ва камчиликларни ҳайдаркан. Масалан, японияликлар инсонда 6 та иллат — ҳасад, ёвузлик, зиқналик, аҳмоқлик, қатъиятсизлик ва енгилтаклик бўлади дейишади.

Янги йилнинг илк сонияларини табассум ила кутиб олиш ҳам омад келтиришидан дарақдир. Японияликлар хонадонга қут-барака келиши учун гуруч, узоқ умр кўриш учун макарон, саломат бўлиш учун ловияни ҳамиша байрам дастурхонига қўйишган.

Италиялик болакайлар Янги йил совғасини 6 январда олишади. Айтишларича, ўша кеча Ла Бефана исмли меҳрибон фаришта сеҳрли супургисида учиб келиб болаларга совға улашади. Италиялик қорбобо эса Баббо Натале деб аталади. Италияликларнинг яна бир қизиқ одати Янги йилни эски нарсалардан воз кечиш билан бошлашлигидадир. Шунинг учунми, ўша кеча деразадан туриб уй-жиҳозлари ва буюмларни кўчага улоқтириш улар учун одатий ҳол.

Италияликлар узоқ умр кўриш, йил бўйи бахтли ва омадли бўлиш учун байрам дастурхонини ёнғоқ ва узум билан безатишади.

Шотландияда Янги йил байрами "Хогмани" деб аталади. Уларнинг урф-одатига кўра, эски йилни кузатиб, янги йилни кутиб олиш учун бочка ичига олов ёқиб мусиқа садосида Шотландия кўчаларида думалатишади. Бу эски йил ёқиб юборилиб, Янги йилга йўл очилганини билдиради. Соат ўн икки марта бонг урганида эса орқа эшикни очиб, эски йилни кузатишади-да, олди эшикдан Янги йилни кутиб олишади.

Яна бир қизиқ одат: байрам кечаси уйга келган меҳмон ўзи билан бир бўлак кўмир олиб келиб, каминга ташлаши лозим. Шунда хонадон чироғи ҳеч қачон ўчмаслиги ва ризқ-барака аримаслигини англатаркан. Улар ҳам байрам дастурхонига миллий таомлардан тортишади. Шотландияликлар учун байрам кечасидан кўра, эртанги тонг ундан-да аҳамиятлироқ. Негаки, Янги йилнинг биринчи куни эрта тонгда совға кўтарган қора сочли эркак киши хонадонга кириб келса, ўша уй эгаларига йил бўйи омад ва бахт ҳамроҳ бўларкан.

**НУКУС ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ**

**Барча юртдошларимизни кириб келаётган Янги 2009 йил билан самимий қутлайди.**



**Юртимиз тинч, ҳаётимиз бундан-да фаровон бўлсин.**

**Келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг бахту камолини кўриш барчамизга насиб этсин.**







